



ARTICLE INFO

Received: 20th November 2022

Accepted: 28th November 2022

Online: 30th November 2022

KEY WORDS

Метафора, когнитив
лингвистика, когнитив-
стилистик жараён,
лингвокультурология,
стилистика,
антропосентрик ёндошув,
инсон омили, лингвомаданий
парадигма, белги.

Замонавий тилшуносликда метафора ва у билан боғлиқ тушунчаларни ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда ва бу нафақат юқори ихтисослашган тилшунослик доирасида, балки тегишли гуманитар фанларнинг кўплаб соҳаларида ҳам намоён бўлмоқда. Биз метафорани ўрганиш муаммоси қандай кенг тарқалишини кузатиш давомида шунга гувоҳ бўлдикки, билимнинг турли соҳаларини - фалсафа, мантиқ, психология, семиотика, риторика, лингвистик фалсафа, фалсафанинг турли мактабларини қамраб олади. Ушбу ҳодисалар натижасида метафора когнитив тилшуносликнинг яқиндан ўрганиш объектига айланади, унинг ютуқлари тилни тушуниш ва анлаш билан боғлиқ кўплаб билим соҳалари учун муҳим аҳамиятга эга. Когнитив тилшуносликнинг мақсади тил

МЕТАФОРЛАРНИНГ КОГНИТИВ-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Сайидов Шукрулло Халилжонович

Фарғона давлат университети,

Лингвистика (инглиз тили) 2-босқич магистранти

Фарғона давлат университети,

инглиз тили кафедраси ўқитувчиси

shukrulloSayidov1991@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7392670>

ABSTRACT

Ушбу мақолада метафоранинг когнитив тилшунослик ва унга алоқадор гуманитар фанлар контекстидаги роли, шунингдек, метафоранинг объектив воқеликни акс эттириш воситаси сифатида шаклланиши масаласи муҳокама қилинади. Тадқиқотнинг мақсади метафорани тил ва онгининг кўп даражали ўзаро таъсири натижасида, инсон тафакқурига алоқадор бўлган ўзига хос ассоциатив алоқалар асосида кўриб чиқишдир.

тузилмалари ва онгимиз тузилмалари ўртасида юзага келадиган муносабатлар муаммоларини ўрганиш ва тушунтиришдир. Шундай қилиб, метафора ҳам тилда, ҳам тафакқурда намоён бўлиб, кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларига чуқур таъсир кўрсатади.

Когнитив тилшунослик воқеликни онг орқали идрок этиш, англаш ва билиш жараёнларини, шунингдек, бу жараёнларнинг психик тасвирлаш турлари ва шакллари ўрганади.

Тил лингвокогнитив таҳлил учун материал бўлиб хизмат қилади, аммо бундай тадқиқотнинг мақсадлари когнитив тилшуносликнинг муайян соҳаларига (мактабларига) қараб фарқ қилиши мумкин (когнитив категорик-терминологик аппаратдан фойдаланган ҳолда тилни чуқур ўрганишдан аниқ



моделлаштиришгача). Шунингдек, унда миллий онг бирликлари сифатидаги индивидуал тушунчаларнинг мазмуни, тузилиши каби масалалар ҳам ўрганилади. Шундай қилиб, когнитив тилшунослик когнитив фандан замонавий тил фанининг мустақил соҳаси сифатида пайдо бўлди. Когнитив тилшуносликнинг, умуман, когнитив фанининг пировард мақсади “ақл фаолияти тўғрисида маълумотлар олиш” дир. [3, 213]

Метафоранинг когнитив функциялари бир неча жиҳатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак. Метафора атрофдаги воқеликни ва бутун дунёни ўрганиш ва кузатиш учун ўзига хос канал бўлиб хизмат қилади. М.Блек нуқтаи назаридан метафора дунёни билишнинг янги усулларини таъминловчи “когнитив восита” [1, 23] ролини ўйнайди. Айнан метафора кўриб чиқилаётган ҳодисага бошқача, принципаал жиҳатдан, яъни янги нуқтаи назарни шакллантиришга қодир, аммо бу қобилиятнинг салбий томони бор, метафора одамларнинг ҳаракатларини чеклайдиган ва маълум даражада атрофдаги воқелик ҳақидаги фикрлар мажмуини ифодаланади.

Метафоранинг яна бир когнитив вазифаси янги маъно яратиш, янги фикрларни маълум бир шаклга солишдир. Америкалик олим Бойд тафаккурнинг янги турлари ва усулларини ифодалашда, хусусан, янги илмий назарияларни тушунтиришда метафораларнинг муҳим роли ҳақида ўз фикрини билдиради. Бойд эътироф этадики, метафорада тилнинг аниқлиги етишмайди, лекин бундай ноаниқлик нафақат метафораларга, балки умуман денотацияга (индикацияга) ҳам хосдир.

Бойд нуқтаи назаридан, илмий соҳада метафора қўлланилишининг айрим усуллари кўпроқ изоҳларга ўхшайди, масалан, “атом тузилиши қуёш тизимининг миниатюраси”. Г.Петри ва Р.Ошлаг ҳам бу масалани ўрганиб, деярли бир хил хулосага келишди, бу эса метафоранинг асосий вазифаси янги тушунчалар ёки илмий билимларни тушуниш ва анализ қилиш вазифасини енгиллаштириш эканлигини кўрсатади. Бундай тушуниш усули таниш метафора билан бошланади ва кейин аста-секин, босқичма-босқич янги ҳодисага яқинлашади [2, 158].

Тафаккурни бошқарадиган тушунчалар умуман интеллектуал соҳа билан чегараланиб қолмайди, улар кундалик ҳаётимизда тўлиқ иштирок этади ва инсон фаолиятини энг оддий тафсилотларигача бошқаради. Ушбу тушунчалар бизнинг воқеликни идрок этишимизни, дунёда ўзини тутиш ва бошқа одамлар билан алоқа қилиш усулларини тартибга солади. Тушунчалар тизими ҳам атрофдаги воқеликни аниқлашда асосий рол ўйнайди ва асосан метафорик характерга эга, чунки кундалик тажриба ва хатти-ҳаракатлар асосан метафора билан шартланган.

Бироқ, бу тушунчалар тизими ҳар доим ҳам инсон томонидан амалга оширилмайди. Кундалик фаолиятда биз кўпинча маълум бир меёр мувофиқ кўпроқ ёки камроқ автоматик тарзда ўйлаймиз ва ҳаракат қиламиз, гарчи бу системанинг аниқлиги одамга умуман тушунарли бўлмаса ҳам. Бундай қатъий белгиларни аниқлашнинг бир усули - табиий тилдан фойдаланиш. Табиий тил алоқаси инсон томонидан фикрлаш ва фаолиятда қўлланиладиган бир хил



тушунчалар тизимига асосланганлиги сабабли, тил ушбу тушунчалар тизими нима эканлиги ҳақида муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. [5, 15].

Метафоранинг моҳияти бир турдаги ҳодисаларни бошқа турдаги ҳодисалар нуқтаи назаридан англаш ва ҳис қилишдир. Шундай қилиб, тушунча мажозий усулда тартибга солинади, демак, тил ҳам метафорик тартибда шакилланиши мумкин. Метафора фақат тил ёки сўз соҳаси билан чегараланмайди: инсон тафаккури жараёнларининг ўзи асосан метафорадир. Инсоний тушунчалар тизими мажозий жиҳатдан тартибга солинган ва таърифланган деганда айнан шу ҳодисани назарда тутамиз. Метафора лингвистик экспрессивлик воситаси сифатида инсоннинг концептуал онгида тизимида мавжуд. [8, 89].

Шундай қилиб, йигирманчи асрнинг охирида когнитив тилшунослик когнитив фандан мустақил фанга айланди. Метафора когнитив тилшуносликнинг ажралмас қисми бўлиб, у пухта ўрганишни талаб қилади. Когнитив тилшуносликда метафоранинг турли функциясини ажратиб кўрсацак ҳам, бу функциялар ўртасидаги чегаралар тўлиқ эмас ва қисман бир-бирига мос келади ва эҳтимол улар когнитив функциянинг бир қисмидир. Келажакда мазкур тизимни чуқурроқ ўрганиш метафораларнинг маълум функцияларини ягона тизимга гуруҳлаш имконини беради, бу эса тилшуносларнинг метафора когнитив назариясини ишлаб чиқишдаги вазифасини анча енгиллаштиради.

References:

1. Арутюнова Н. Д. Язык и мир человека. М.: Языки русской культуры, 1999. С. 3–45.
2. Лакофф Д., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем // Теория метафоры. М.: Прогресс, 1990. 255 с.
3. Маслова В.А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. М.: Издательский центр «Академия», 2001. 208с.
4. Попова З. Д., Стернин И. А. Когнитивная лингвистика: учебн. пособ. М.: АСТ: «Восток–Запад», 2007. С. 10–12.
5. Сулейманова Ф. Г., Фаткуллина Ф. Г. Метафорическая номинация в языке науки // Вестник ВЭГУ: сб. научн. трудов / Восточная экономико-юридическая гуманитарная академия. Уфа, 2013. С. 140–144.
6. Azimjon Latifjon ogli Melikuziev. (2022). HISTORICAL AND MODERN CLASSIFICATION OF PARALINGUISTICS. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(10), 126–128. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/UAH57>
7. Khakimov, M. K., & ugli Melikuziev, A. L. (2022). The History of Paralinguistic Researches. *International Journal of Culture and Modernity*, 13, 90-95.
8. Фаткуллина Ф.Г. Семантика деструктивных глаголов: учебное пособие. Уфа: РИЦ БашГУ, 2005. 127 с. Фаткуллина Ф. Г. Мифологизмы в русском литературном языке ХУШ века: автореф. канд. филол. Наук. М., 1991. 21 с.



9. Чудинов А. П. Россия в метафорическом зеркале: когнитивное исследование политической метафоры (1991–2000). Екатеринбург, 2001. С. 48–50.
10. Black M. 1962. Models and Metaphors. Ithaca: Cornell University Press.